

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**371** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг  
янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари  
фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тузилмасига берилган ҳамда унинг таркибидан янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 17 февралдаги ПҚ–2789-сон қарори билан Тарих институти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси (кейинги ўринларда Фанлар академияси деб аталади) таркибига ўтказилганлиги, шунингдек В.И. Романовский номидаги Математика институти, Ядро физикаси институти, У.А. Орифов номидаги Ион-плазма ва лазер технологиялари институти, М.Т. Ўрозбоев номидаги Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти, Полимерлар кимёси ва физикаси институти, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Я. Фуломов номидаги Археологик тадқиқотлар институти, Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳамда Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи (кейинги ўринларда янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари деб аталади) янгидан ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

археологик ва этнологик тадқиқотларнинг назарий ва методологик жи-

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.*

ҳатларини ишлаб чиқиш, XIX асрнинг иккинчи ярми — XX аср боши Ўзбекистон тарихини тизимли ўрганишни ташкил этиш, ҳолисона ёндашув асосида ўзбек халқининг давлатчилиги тарихи бўйича тадқиқотларни амалга ошириш, ўтмишнинг сохталаштирилишига йўл қўймаслик, жаҳоннинг цивилизация ривожланиши билан боғлиқликда Ўзбекистоннинг янги ва энг янги тарихи билан боғлиқ масалаларни ҳар томонлама ва чуқур тадқиқ этиш — Фанлар академияси Тарих институтининг;

математика фанлари: алгебра ва функционал анализ, дифференциал тенглама ва математик физика, динамик тизимлар назарияси, геометрия ва топология, эҳтимоллик назарияси ва математик статистика, амалий математика ва математик моделлаштириш математика фанларининг устувор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш — Фанлар академияси В.И. Романовский номидаги Математика институтининг;

ядро физикаси, элементар зарралар ва амалий ядро физикаси, қаттиқ жисм радиацион физикаси ва наноматериаллар физикаси, ядро аналитикаси ва радиоқимё, илмий приборсозлик ва амалий электрониканинг истиқболли йўналишларида тадқиқотлар олиб бориш — Фанлар академияси Ядро физикаси институтининг;

электроника, фотоника, молекуляр физика ва иссиқлик физикаси, ярим ўтказгичлар ва янги материаллар технологияси соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш, замонавий жаҳон тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда оригинал ион-плазма, лазер технологияларини ишлаб чиқиш — Фанлар академиясининг У.А. Орифов номидаги Ион-плазма ва лазер технологиялари институтининг;

деформацияланувчи қаттиқ жисм механикаси, грунтлар механикаси, суюқлик ва газ механикасининг илмий асосларини, экспериментал механика усулларини, механизмлар ва машиналар, конструкциялар динамикаси ва мустаҳкамлиги назарияларини ривожлантириш, иншоотларнинг сейсмик чидамлилиги муаммолари ва уларнинг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш, уларни фаол сейсмик ҳимоя қилиш усуллари бўйича тавсиялар тайёрлаш, ҳаётни таъминлаш тизимлари учун сейсмик таҳдидни пасайтириш стратегиясини ишлаб чиқиш — Фанлар академиясининг М.Т. Ўрозбоев номидаги Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтининг;

табiiй ва синтетик полимерлар, наноконпазицион материаллар соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш, нанокимё, нанофизика, юқори молекуляр бирикмалар нанотехнологиялари соҳасидаги илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва чуқурлаштириш, полимер асосида учинчи авлод энергиянинг муқобил манбаларини яратиш, маҳаллий полимер препаратлар, материаллар ва технологияларни яратиш ҳамда иқтисодиёт тармоқларида жорий этиш — Фанлар академияси Полимерлар кимёси ва физикаси институтининг;

шарқ тилларидаги қадимги ва ўрта асрлар шарқ қўлёзмалари ва тарихий ҳужжатларни сақлаш, тизимлаштириш, реставрация қилиш, рақамлашни таъминлаш, Ўзбекистонда сақланаётган ноёб қўлёзмаларнинг электрон

базасини яратиш ва жорий этиш, улар чуқур ўрганилишини ва илмий тавсифлари тузилишини ташкил этиш — Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг;

қадимги тош асрдан бошлаб ривожланган ўрта асрларни ўз ичига олган Ўзбекистоннинг моддий ва маънавий маданияти тарихини ўрганиш, тадқиқ этиладиган даврлар маданиятлари хронологияси ва даврлаштирилишини ишлаб чиқиш, Ўзбекистон ҳудудининг ибтидоий одам томонидан ўзлаштирилиши, цивилизациянинг шакллантирилиши, илк шаҳарлар ва давлатчилик, қадимги жамиятлар дунёқараши, жаҳон динларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши, хунармандчилик, металлургия ва кон иши, археологик ёдгорликларни аниқлаш, картага тушириш ва илмий муомалага киритиш — Фанлар академиясининг Я. Фуломов номидаги Археологик тадқиқотлар институтининг;

Ўзбек тили, адабиёти ва фольклорларининг тарихан шаклланган адабий, лингвистик мактаблари ва таълимотларини тадқиқ этиш, ўзбек тилининг базавий академик ва ўқув грамматикаларини яратиш, ўзбек тилининг фонетик тизими бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш, ўзбек тили, адабиёти ва фольклорининг тарихий ривожланиши тамойилларини, шунингдек замонавий тил ва адабий жараёнлар қонунларини, миллий-адабий анъаналарнинг тил ва адабиётнинг ҳозирги ҳолатига таъсири масалаларини тадқиқ этиш, тиллар ва адабиётларнинг ўзаро алоқаси билан боғлиқликда ўзбек тили ва адабиётининг ўзига хослигини ўрганиш — Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг;

энг қадимги даврлардан бугунги кунгача бўлган экспозиция залларини яратиш, музей фондларини янги хужжатли материаллар, экспонатлар, ноёб топилмалар билан даврий тўлдириш, экскурсияларни ташкил этиш ва амалга ошириш йўли билан музейда сақланаётган маданий ва адабий ёдгорликлар ҳақида кенг жамоатчилик ва ёшлар орасида маърифий ишлар олиб бориш, шу асосида музей фондида сақланаётган ноёб қўлёзмалар факсимал нашрларининг халқаро илмий талабларини амалга ошириш — Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейининг асосий вазибалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин.

3. Тарих институти, В.И. Романовский номидаги Математика институти, Ядро физикаси институти, У.А. Орифов номидаги Ион-плазма ва лазер технологиялари институти, М.Т. Ўрозбоев номидаги Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти, Полимерлар кимёси ва физикаси институти, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Я. Фуломов номидаги Археологик тадқиқотлар институти, Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳамда Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейининг тузилмалари 1 — 10-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Фанлар академияси президентига, зарурият бўлганда, илмий-тадқиқот муассасаларининг тасдиқланган тузилмаларига ходимларнинг умумий белгиланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги томонидан ўтказиладиган танловлар натижалари бўйича ажратиладиган грантлар;

Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейини, шунингдек ноёб илмий объект сифатида янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасаларининг алоҳида бўлинмаларини жорий сақлаб туриш учун ажратиладиган мақсадли бюджет маблағлари;

тадбиркорлик фаолиятдан олинадиган тушумлар, халқаро молия институтлари ва бошқа институтларнинг, хорижий ҳукумат ташкилотларининг грантлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

5. Фанлар академияси икки ой муддатда:

янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасаларининг уставлари ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини ва улар давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасаларини юкори малакали илмий кадрлар ва истиқболли ёш мутахассислар билан бутлашни таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги билан биргаликда янгидан ташкил этилган илмий муассасаларнинг илмий тадқиқотлари мавзуларини, уларнинг замонавий талабларга ва жаҳон илмий ютуқлари даражасига мувофиқлигини, шунингдек иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг илм-фанни кўплаб талаб этадиган технологияларга реал эҳтиёжидан келиб чиқиб ва амалга оширилаётган ислохотлар ва таркибий қайта ўзгартиришларни ҳисобга олиб танқидий таҳлил қилсин ва қайта кўриб чиқсин;

Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги Меҳнат вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда республика илмий-тадқиқот муассасаларининг ёрдамчи ходимларининг намунавий штатларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Фанлар академиясининг Ядро физикаси институтида олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фавқулудда вазиятлар вазирлиги, Молия вазирлигининг Фанлар академиясининг Ядро физикаси институтининг ВВР-СМ тадқиқотчилик ядро реактори фаолият кўрсатишини давом эттириши тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий ходимларини моддий рағбатлантириш жамғармаси тўғрисидаги низом 11-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Фавқулудда вазиятлар вазирлиги 12-иловага\* мувофиқ рўйхат бўйича бинолар ва иншоотларни оператив бошқариш ҳуқуқи билан белгиланган тар-

---

\* 12-илова рус тилидаги матнда берилган.

тибда берсин, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси эса қабул қилиб олсин.

9. Бепул фойдаланиш ҳуқуқи билан:

Фанлар академиясининг Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳамда Фанлар академиясининг Тарих институти Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 5-уй манзилида;

Фанлар академиясининг Микробиология институти Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 76-уй манзилида жойлаштирилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда Фан ва технологиялар агентлиги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг тугатилаётган илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий-техник лойиҳалари, асбоб-ускуналари, моддий бойликлари ва бошқа мол-мулкни, шу жумладан автотранспорт воситалари ва ёқилғи-мойлаш материаллари лимитларини бир ой муддатда тўлиқ хатловдан ўтказсинлар, уларни Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасаларига берсинлар.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу қарор қоидаларидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2017 йил учун тасдиқланган харажатлари рўйхатига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 13-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим ва илм-фан масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**


**Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 18 май,  
292-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 18 майдаги 292-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтининг  
ТУЗИЛМАСИ**




Ходимларнинг чекланган умумий сони бажариладиган илмий-тадқиқот ва инновация ишлари ҳажмига қараб 51 нафаргачани, шу жумладан илмий ходимлар 43 нафаргачани ташкил этади.

Ёрдамчи ходимлар сони қонун ҳужжатларига мувофиқ нормативлар бўйича белгиланади.

Илмий-техник лойиҳаларни амалга ошириш учун мутахассислар ва олимлар шартнома асосида қўшимча жалб этилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 18 майдаги 292-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В.И. Романовский  
номидаги Математика институтининг  
ТУЗИЛМАСИ**




Ходимларнинг чекланган умумий сони бажариладиган илмий-тадқиқот ва инновация ишлари ҳажмига қараб 30 нафаргачани, шу жумладан илмий ходимлар 23 нафаргачани ташкил этади.

Ёрдамчи ходимлар сони қонун ҳужжатларига мувофиқ нормативлар бўйича белгиланади.

Илмий-техник лойиҳаларни амалга ошириш учун мутахассислар ва олимлар шартнома асосида қўшимча жалб этилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 18 майдаги 292-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институтининг  
ТУЗИЛМАСИ**



Хотимларнинг ҳисланган умумий сони бажаришланган илмий-таъқиқот ва инновация ишлари ҳажмига қараб 254 нафаргачани, шу жумладан илмий ходимлар 98 нафаргачани ташкил этди.  
Ердими ходимлар сони қонун ҳужжатларига мувофиқ нормативлар бўйича белгиланади.  
Илмий-техник лойиҳаларни амалга ошириш учун мутахассислар ва олимлар шартнома асосида қўшимча жалб этилиши мумкин.


\* бюджет маблағлари ҳисобига таъминланади.





Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 18 майдаги 292-сон қарорига  
5-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг М.Т. Ўрозбоев номидаги  
Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтининг  
ТУЗИЛМАСИ**




Ходимларнинг чекланган умумий сони бажариладиган илмий-тадқиқот ва инновация ишлари ҳажмига қараб 98 нафаргачани, шу жумладан илмий ходимлар 81 нафаргачани ташкил этади.

Ёрдамчи ходимлар сони қонун ҳужжатларига мувофиқ нормативлар бўйича белгиланади.

Илмий-техник лойиҳаларни амалга ошириш учун мутахассислар ва олимлар шартнома асосида қўшимча жалб этилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 18 майдаги 292-сон қарорига  
6-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Полимерлар кимёси ва  
физикаси институтининг  
ТУЗИЛМАСИ**




Ходимларнинг чекланган умумий сони бажариладиган илмий-тадқиқот ва инновация ишлари ҳажмига қараб 69 нафаргачани, шу жумладан илмий ходимлар 57 нафаргачани ташкил этади.

Ёрдамчи ходимлар сони қонун ҳужжатларига мувофиқ нормативлар бўйича белгиланади.

Илмий-техник лойиҳаларни амалга ошириш учун мутахассислар ва олимлар шартнома асосида қўшимча жалб этилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 18 майдаги 292-сон қарорига  
7-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний  
номидаги Шарқшунослик институтининг  
ТУЗИЛМАСИ**



Ходимларнинг чекланган умумий сони (ёрдамчи ходимлардан ташқари) — 88 нафар, шу жумладан мазмурий-бошқарув ходимлари — 8 нафар.


\* Давлат илмий-техника дастурлари доирасида ажратилган грантлар ҳисобига таъминланади.

Илмий-техник лойиҳаларни амалга ошириш учун мутахассислар ва олимлар шартнома асосида қўшимча жалб этилади.

\*\* Ёрдамчи ходимлар сони қонун ҳужжатларига мувофиқ нормативлар бўйича белгиланади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 18 майдаги 292-сон қарорига  
8-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Я. Ғуломов номидаги  
Археологик тадқиқотлар институтининг  
ТУЗИЛМАСИ**




Ходимларнинг чекланган умумий сони бажариладиган илмий-тадқиқот ва инновация ишлари ҳажмига қараб 47 нафаргачани, шу жумладан илмий ходимлар 32 нафаргачани ташкил этади.

Ёрдამчи ходимлар сони қонун ҳужжатларига мувофиқ нормативлар бўйича белгиланади. Илмий-техник лойиҳаларни амалга ошириш учун мутахассислар ва олимлар шартнома асосида қўшимча жалб этилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 18 майдаги 292-сон қарорига  
9-ИЛОВА


**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг ТУЗИЛМАСИ**



Ходимларнинг чекланган умумий сони бажариладиган илмий-тадқиқот ва инновация ишлари ҳажмига қараб 55 нафаргачани, шу жумладан илмий ходимлар 45 нафаргачани ташкил этади.  
Ёрдамчи ходимлар сони қонун ҳужжатларига мувофиқ нормативлар бўйича белгиланади.  
Илмий-техник лойиҳаларни амалга ошириш учун мутахассислар ва олимлар шартнома асосида қўшимча жалб этилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 18 майдаги 292-сон қарорига  
10-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги  
Давлаг адабиёт музейининг  
ТУЗИЛМАСИ**



Ходимларнинг чекланган умумий сони бажариладиган илмий-тадқиқот ва инновация ишлари ҳажмига қараб 28 нафаргачани, шу жумладан илмий ходимлар 4 нафаргачани ташкил этади.

Ёрдამчи ходимлар сони қонун ҳужжатларига мувофиқ нормативлар бўйича белгиланади. Илмий-техник лойиҳаларни амалга ошириш учун мутахассислар ва олимлар шартнома асосида жалб этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 18 майдаги 292-сон қарорига  
11-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг  
илмий-тадқиқот муассасалари илмий ходимларини моддий  
рағбатлантириш жамғармаси тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг (кейинги ўринларда Фанлар академияси деб аталади) Илмий-тадқиқот муассасалари илмий ходимларини моддий рағбатлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) маблағларини бошқариш, шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Жамғарма Фанлар академиясида юридик шахс ташкил этмасдан ташкил этилади.

Жамғарма маблағлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Газначилигида газна шахсий ҳисоб рақамларида жамланади ҳамда Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий тадқиқотларда салмоқли натижаларга эришган илмий ходимларини моддий рағбатлантириш ва меҳнатини рағбатлантиришга йўналтирилади.

**2-боб. Жамғармани бошқариш**

3. Жамғарма маблағларини бошқариш Фанлар академиясининг Президиуми томонидан амалга оширилади. Қўйидагилар Фанлар академияси Президиумининг асосий вазифалари ҳисобланади:

Жамғарманинг келгуси йилга даромадлари ва харажатлари сметасини тасдиқлаш;

йил чораги яқунлари бўйича Жамғарма даромадлари ва маблағлари харажатлари тўғрисидаги ҳисоботларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини назорат қилиш;

Жамғармага хорижий грантларни жалб этиш;

Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

4. Жамғарма маблағларига жорий хизмат кўрсатиш, шунингдек уларнинг ҳисоби ва ҳисоботини юритиш Фанлар академиясининг молия-иқтисодиёт бўлими томонидан амалга оширилади.



**3-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш тартиби**

5. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасаларининг хўжалик ва тадбиркорлик фаолиятдан тушган соф фойданинг 10 фоизи миқдордаги ажратмалар;

юрidik ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, халқаро ташкилотларнинг грантлари;

конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган манбалардан Жамғармага ажратмалар Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот муассасалари томонидан ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 20-кунидан кечикмай амалга оширилади.

7. Жамғарма даромадлари ва харажатлари сметаси Фанлар академияси Президиуми томонидан ҳар йили 25 декабргача тасдиқланади.

8. Жамғарманинг жорий йилда фойдаланилмаган маблағлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига олиб қўйилмайди ва кейинги йилда ушбу Низомда белгиланган мақсадларда фойдаланилади.

**4-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш тартиби**

9. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш Фанлар академияси Президиумининг қарорлари асосида ҳамда тегишли йилга даромадлар ва харажатлар сметасига мувофиқ амалга оширилади.

10. Фанлар академияси Президиумининг илмий-тадқиқот муассасалари илмий ходимларини моддий рағбатлантириш тўғрисидаги қарори очиқ овоз бериш шартларида йиғилишда иштирок этаётган аъзоларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Қарор Фанлар академияси Президиуми аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашганда қонуний ҳисобланади. Овозлар тенг бўлганда, Фанлар академияси президентининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

11. Жамғарма маблағлари Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий тадқиқотларнинг салмоқли натижаларига эришган илмий ходимларини уларнинг базавий маошларига шахсий устамалар белгилаш ва (ёки) бир йўла мукофотлаш йўли билан моддий рағбатлантиришга йўналтирилади.

12. Қуйидагилар:

илмий тадқиқотлар соҳасида юқори даражадаги янги натижаларга эришган (янги назариялар, қонуниятлар, ҳодисалар, самаралар, тадқиқот усуллари, янги натижаларни нуфузли, иқтибослар кўп олинadиган илмий журналларда эълон қилиш, монографиялар, дарсликлар ва шу кабиларни нашр этиш);

Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот муассасаларида бажарилган

илмий тадқиқотлар натижалари бўйича фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини олишга диссертацияларни муваффақиятли ҳимоя қилган;

янги амалий муҳим натижаларга эришган;

иктисодиёт тармоқларига ва ишлаб чиқаришга илмий тадқиқотларнинг янги амалий муҳим натижаларини (янги материаллар, технологиялар, приборлар, машиналар, қурилмалар ва шу кабиларни) жорий этган;

олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари бўйича расмийлаштирилган, лицензиялаш ва амалий қўллаш учун истиқболли бўлган Ўзбекистон Республикаси патентлари ва халқаро патентларни олган илмий ходимлар Жамғарма маблағлари ҳисобига моддий рағбатлантирилади.

13. Илмий тадқиқотларда салмоқли натижаларга эришган илмий ходимларга ушбу Низомнинг 12-бандида назарда тутилган мезонларга боғлиқ равишда Жамғарма маблағлари ҳисобига базавий лавозим маошининг 50 фоизи миқдоригача шахсий устамалар белгиланиши мумкин.

Шахсий устаманинг аниқ миқдори Фанлар академияси Президиумининг қарори билан 3 ойгача бўлган муддатга белгиланади.

14. Илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий ходимларига Жамғарма маблағларидан бир йўла мукофотлар тўлаш улар томонидан ярим йилда ва бир йилда олинган илмий тадқиқотлар натижалари якунлари бўйича базавий лавозим маошининг икки баравари миқдорида тўланади. Мукофотнинг аниқ миқдори ушбу Низомнинг 12-бандида назарда тутилган мезонларга боғлиқ равишда Фанлар академияси Президиумининг қарори билан белгиланади.

15. Шахсий устамалар ва бир йўла тўланадиган мукофотлар илмий ходимлар учун Фанлар академияси Президиумининг қарори асосида Фанлар академияси президентининг буйруғи билан белгиланади.

16. Илмий ходимларга белгиланадиган шахсий устамалар ва бир йўла тўланадиган мукофотнинг умумий ҳажми бир йилда тегишли илмий ходимнинг базавий лавозим маошининг тўрт бараваридан ортиқ миқдорда бўлмаслиги керак.

17. Жамғарма маблағларидан, зарурат бўлганда, илмий ходимларга бир йилда битта базавий лавозим маоши миқдорида бир йўла моддий ёрдам бериш учун ҳам фойдаланилиши мумкин.

### **5-боб. Назорат, ҳисоб ва ҳисобот**

18. Жамғарма маблағлари шакллантирилиши ва ундан мақсадли фойдаланилиши, шунингдек Жамғарма ҳисобидан бир йўла мукофотлар тўланишини белгилашнинг холислиги ва тўғрилиги учун Фанлар академияси президенти жавоб беради.

19. Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилишини текшириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**371-372-моддалар**

**— 152 —**

**20 (780)-сон**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 18 майдаги 292-сон қарорига  
13-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2016 йил 13 майдаги 152-сон қарорига 1-иловада (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2016 й., 20-сон, 222-модда):

«Илмий ишлар бўйича проректор — Ўзбек тили ва адабиёти илмий-тадқиқот институти директори» блоки «Илмий ишлар бўйича проректор» блоки билан алмаштирилсин;

«Ўзбек тили ва адабиёти илмий-тадқиқот институти» ва Ўзбек тили ва адабиёти музейи» блоклари чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 23 сентябрдаги 323-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2016 й., 39-сон, 461-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги марказий аппаратининг тузилмасидан «Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи-методик марказ» блоки чиқариб ташлансин.